



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KIBOVB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 28 февраль, № 41 (4451) • Пайшанба

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари ҳақида гап кетганда, албатта, пойтахтимиздаги "Совпластитал" очик акциядорлик жамиятининг номи ҳам зикр этилади. Сабаби, юртимизда унинг маҳсулотлари кириб бормаган хонадон камдан-кам топилади. Жамоа ахлининг сифат ва самарадорликка эришишининг боиси эса, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, техник ҳамда технологик янгилашга дадил қўл урилаётганидир.

Модернизация

Мазкур корхона пластмасса, сопол, чинни, рангли ойнадан ранг-баранг маҳсулотлар, шунингдек, янги йил арчаси учун безаклар, ўйинчоқлар ишлаб чиқариш бўйича Хамдустлик давлатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 2007 йилда корхона томонидан 9,5 млрд. сўмлик тайёр маҳсулот ҳамда 12,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқарилгани фикримизнинг тасдиғидир. Маҳсулот тури эса, 8 мингдан зиёдни ташкил этиб, ҳар йили уларнинг сифига ўртача 350-400 та янги қўшилиди. Корхонанинг юзлаб маҳсулот намуналари халқро ва мамлакатимиз патент идораларининг муаллифлик ҳуқуқини қўлга киритган. Бундан ташқари, бир неча халқро

Иқтисодий ривожланиш ва фаровонлик омилидир



яратилган суперконцентрат эвазига сунъий болалар спорт майдончаларини тайёрлаш йўли қўйилди. Буларнинг ўзига қўшилган ҳамкорлик ҳам кутулган натижани бермоқда. Яъни, полиэтиленни юқори технология асосида қайта ишлаш ҳисобига

Жорий йилда эса, янги йил арчаси ва ўйинчоқлари, сунъий гуллар ва ўсимликлар ҳамда бошқа турдаги маҳсулотларнинг янги намуналарини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Айни кунларда мамлакатимиз ва қўшни давлатлардаги стадионларда ушбу корхонада ишлаб чиқарилган ихчам ва қўлай ўйинчоқларини урчатиш одатий ҳолга айланган. Пойтахтимиздаги Олий Мажлис Сенатининг муҳташам биноси,

(Давоми 2-бетда).

ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР, АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойлардаги учрашувлари давом этмоқда

НАМАНГАН

Юзма-юз мулоқотлар депутат ва сайловчилар ўртасидаги ўзига хос кўприк. Улар давомида сайловчилар ўзларининг мухтор вакиллари орқали мамлакат парламентининг фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар моҳияти ҳақида атрафлича билиб оладилар. Наманган туманидаги Ирвадон иқтисодиёт коллежидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одижон Исаевнинг ўз сайловчилари билан бу галги учрашуви қизиқarli давра суҳбатига айланган. Боиси, тадбир иштирокчиларининг аксарияти ёшлар бўлиб, қўнғиларида депутатдан билиб олишни мўлжаллаган саволлари бисёр эди.

айланди. Мингдан ортик талаба тахсил олаётган билим қонасида барча шарт-шароит муҳайё. Молия, банк, солиқ соҳаси, кичик ҳуқуқшунос мутахассислигини эгаллаётган йигит-қизлар учта компьютерли синф, спорт зали, каттагина кутубхона хизматидан фойдаланишляпти.

— Галнинг очиги, сизлар учун яратилган шароитга ҳавас қилса арзийди, — деди депутат. — Қонун ижодкорлиги соҳасида амалга оширилаётган юмушлар, айтиш мумкинки, бугунги ва эртанги кунингиз янада мазмунли ўтишига йўналтирилган ҳуқуқий ҳужжатларни қўлайтиради.

СУРХОНДАРЁ

65-Термиз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутат Турсуной Абдуллаеванинг Термиз тумани Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида

Жараён

сайловчилар билан учрашуви мароқли суҳбатлар, самимий бахс-мунозаралар рўида кечди. Депутат янги қурилган муҳташам иморатда ишлаётган 9-умумтаълим ўрта мактабининг очик дарсларига кириб, ўқув-тарбия жараёнини кузатди. 3-синфга қатнайдиган фикри раво, тили бурро Дилоромнинг Ватан ҳақида, маҳалласи ҳақида гаплари даргоҳдаги 640 ўқувчининг интилишларини ифодалагандай бўлди. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилбар Муҳаммадова ёш авлод тарбияси маҳалла-қўй ҳаёти билан узвий боғлиқлиги кетганидан сўзлади.

Ислохотлардан бугун қишлоқлар оבוד. Диллар равшан. Фермерлар касб-хўнар коллежларини битираётганларни деб янги иш ўринларини очик таррадудини кўрмоқдалар. Худуднинг шаҳарга туташлиги назарга олиниб, касаначиликни ривожлантириш тадбирлари қўрилляпти. Томорқа ҳужайини илмий асосда ташкил этиш ҳаракатлари рағбатлантирилляпти. Ҳар киши бошига 5-10 тупдан мевали дарахт қўчатишни ўстириш ташаббуси қарор топмоқда.

Депутат сайловчилар ҳузурида ўзи аъзо бўлган Қонунчилик, суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг фаолиятига, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш Дастури юзасидан қилинаётган ишларга тўхтади. Унинг, айниқса, «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Истеъмош кредити тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида» деб номланган янги қонунлар юзасидан мулоҳазалари катта қизиқиш билан тингланган. Ҳозир бўлганларнинг қўнчилиги бу қонунларни ҳам аллақачон ўқиб, ўқиб олганликлари, қонунларни ҳаётга татбиқ этиш борасида кузатилаётган айрим муаммо тушуновчиликлар ҳақида депутат билан савол-жавобга киришиб кетгани диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ буйлаб

Баҳор нафиси уфуриб турган айни паллада каттаю кичик турар-жой, кўчаю хиёбонларни саранжом-саришта қилишга ошиқади. Аслида, халқимизнинг одати шундай, қорлар эрий бошлагани, ён-атрофни яшнатишга киришади.

Кўклам тараддуди

Наманган вилоятида ўтказилаётган "Маънавият ва маърифат" ойлиги доирасида ташкил этилган умумхалқ ҳашари туфайли шаҳару қишлоқлар янада чирой очди. Тадбирда 12 минг киши иштирок этди. Ҳашар кунини йўл бўйлари, жамоатчилик масканлари сулуриб сидирилди, гулзорларга ишлов, боғлардаги дарахтларга шакл берилди. Хусусан, яқинда барпо қилинган Ҳаққуллоб шаҳридаги "Ёшлар боғи"да йигит-қизлар янги ўтказилган арча, япон софораси ва бошқа манзарали нихоллар барқ уриб ўсиши учун

янги сув йўллари қазилди. Наманган туманида эса йўллар четидида гулзорларга қўчат экилди.

Қатор меҳнат жамоалари ҳашардан тушган маблағнинг маълум қисмини Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказишга аҳд қилишди. Маблағ марказнинг туман тизимлари моддий-техник имкониятларини мустаҳкамлаш, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга сарфланади.

Нажиддин ҚУДРАТОВ.

Қирқ хунар ҳам оз

Темурийлар тарихи Давлат музейида "Энг ибратли йигит" кўрик-танловининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Танлов "Экосан" халқро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати, вазирилик ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил қилинган. Тақдимотда таъкидланганидек, танлов "Бир йигитга қирқ хунар оз" шiori остида ўтказилляпти. Унда мустаҳкам иродадлик, замонавий билимлардан бохабарлик, оилани мураккаб бошқарса олиш, атраф-муҳит ва табиатни авайлаб-асраш сингари хислатлар синондан ўтказилляпти. Уч босқичда бўлиб ўтказилган кўрик голибларини аниқлашда, шунингдек, ҳарбий билим, фавқулодда ҳодисалар ва табиий офатлар юз берганида шошилинч ёрдам кўрсата олиш маҳорати ҳам ҳисобга олинди.

Танловда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари, олий ўқув юрталарининг ўқувчи ва талабалари, курсантлар, ҳарбий хизматчилар ва 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигитлар иштирок этди. Кўрик-танлов якуни шу йил ноябрь ойида эълон қилинади.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Кейинги йилларда кўча ва хиёбонларга ўтказилган 110 минг тупдан зиёд манзарали дарахтлар Андижон шаҳрига тароват бағишлаётди.

Яшилликка бурканаётган шаҳар

«Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ЁИҲ ва шаҳар халқ таълими бўлими фаоллари яна бир хайрли ташаббус билан қирқларча улар ҳамшаҳарларига мурожаат этиб, 60 гектар ерда яшнab турган дов-дарахтларни, гулларни асраб-авайлаш, меҳр кўрсатиш, чамаданорга айлантиришга чақирдилар. Бу йил боғ ва хиёбонларга 4250 туп арча, 4200 туп қарағай, 1650 туп каштан, 3 млн. туп гул қўчати ўтказиш режалаштирилган.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Лизингга янги техникалар

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» Навоий вилояти филиали ўтган йили фермерларга 3 миллиард 236,5 миллион сўмга 234 та қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берди.

Жорий йилда ҳам филиал ўз мижозлари хизматини намунали бажаришга киришди. Айни пайтда фермерларга «Италия-Ўзбекистон агриком» корхонасида ишлаб чиқарилаётган «ВР-1» русумли пуркагичлар ва мотоқоляскалар келтириб берилмоқда. Ташкилот бу йил 214 та ҳар хил русумдаги қишлоқ хўжалик машиналарини лизингга бериш учун мижозлари билан шартномалар тузди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Экспорт ҳажми ортади

Урганч шаҳридаги «Урганч ўрчи машиналари» очик акциядорлик жамиятида ўтган йили плуг, культиватор, чизель, ўрчи механизмлари ва бошқа бир неча турдаги қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқариш эвазига 320 млн. сўм соф фойда олинди. 41 минг 680 АҚШ долларилик маҳсулот эса экспорт қилинди.

360 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхона жамоаси жорий йилда 100 минг АҚШ доллари миқдорида қишлоқ хўжалиги техникалари ва ахтиёр қисмларни экспорт қилмоқчи.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ АНИҚЛАНДИ

Инсон камолотида, унинг шахс сифатида шаклланишида маънавий руҳият бекиёс ўрин тутди. Аниқроқ айтганда, ҳар бир халқнинг келажаги унинг маънавий қудратига, миллий онгининг ижодий қучига боғлиқдир. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида маънавий юксалишга, маърифий баркамоллик сари интилишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Зеро, ўзликни англашда, айниқса, ёшлар онгу тафаккурида урф-одатларимизга, азалий қадриятларимизга ҳурмат, улар қалбиде Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириб боришда маънавият тарғиботининг аҳамияти бекиёсликка юксак урғу берилмоқда. Ортбошимизнинг 2006 йил 26 августда эълон қилинган "Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори эса бу бордаги вазифаларни янгинача ва таъсирчан рўида давом эттиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Шу маънода, Ўзбекистон Давлат консерваториясида илк бора "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" деб номланган республика кўрик-танлови ташкил этилди. Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар

рининг аҳамияти, оммавий ахборот воситаларида иштироки, нотиклик маҳорати, ёшлар ва аёллар муаммоларига дахлдорлик даражаси ва бошқа жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик-танлов якунига қўра, Комил Хайдаров (Самарқанд вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори), Мавлуда Мамажонова (Наманган вилоятидаги Чортоқ тиббиёт коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари), Соли Бойматов (Тошкент вилояти Янгиўл технология касб-хўнар коллежининг бошланғич бадалини камайитириш мумкинми? деган саволига жавобан депутат бу масала доимо такомиллашиб боришини таъкидлади. Талаба Қаноат Юсупова эса депутатдан касб-хўнар коллежларини имтиёзли диплом билан тугаллаётган битирувчиларга олий ўқув юрталарига киришда имтиёз яратиш ҳақидаги тақлифини тегишли идораларга киритишни сўради.

Дилдаги фикрлар тилга қўнган давра суҳбатидан сўнг депутат ўқувчи ёшлар ҳаёти билан танишиди, улар билан биргаликда замонавий компьютер ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминланган хоналарни

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрик-танловдан кўзда тутилган мақсад, мамлакатимизнинг турли гушаларида фаолият юритаётган ташаббускор тарғиботчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибаларини оммалаштиришдан иборат. Танловнинг якуний босқичига вилоят миқёсидаги танловларда энг фаол маънавият тарғиботчилари — минтақавий босқич голиблари тақлиф этилди.

Айтиш керакки, фидойи тарғиботчиларнинг фаолиятига ҳаққоний ва холис баҳо беришда уларнинг иш режалари, фаолияти ҳақида жамоатчилик фикри, ўтказаятган тадбирла-

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ



2007 йилда ушбу тадбирни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулот таркибидеги улуши

85 фоизга етди.

Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги ёндашувлар тубдан қайта қўриб чиқилгани, жумладан, корхоналар капиталида давлат иштирокини кескин камайитириш бўйича қарорлар қабул қилинган, давлат объектлари омилқор ва ҳақиқий мулкдорларга хусусийлаштириб берилгани, улар томонидан завод ва фабрикалар модернизация қилиниб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлига қўйилгани туфайли шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.

Бир рақам шарҳи

ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР, АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР

Фирқ алмашуларда фаолият кўрсатганлар депутат ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари мажмуини совға қилди. Шунингдек, Турсунбой Абдуллаевнинг Термиз давлат университетидagi учрашуви ҳам сайловчиларда катта таассурот қолдирди.

ФАРФОНА

96-Қува сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Тўнбай Каримов тумандаги саноат қасб-хўнар коллежида сайловчилар, маҳаллий кенашларнинг вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари билан учрашувлар ўтказди. Депутат дастлаб Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 2007 йил якулига бағишланган маърузаси юзасидан ахборот берди.

Асосан савол-жавоб, мунозара тарзида ўтган учрашувида туманда ечимли келаётган муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўллари, иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳоли ҳақида самимий мулоқотлар ўтказилди. Аҳоли бандлигини ҳамда касаначиликни ривожлантириш йўллари ҳақида ўзаро фикр алмашинди. Учрашунинг асосий мавзуси ва туманда фермерликни ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва унундорлигини ошириш масалалари қаратилди.

Депутат худди шундай учрашувларни қувасойлик, Қува туманининг Тўлмозор, Беғат қишлоғилик сайловчилар билан ҳам ўтказди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
О. УСАНОВ,
Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асослари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳусусийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат объектларини ҳусусийлаштиришда тадбиркор мулкдорларни жалб этиш, қорхоналарни ҳақиқий эгасига, ҳусусийлаштирилган қорхонани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўйиб менежерларга топшириш энг асосий тамойиллардан эканлиги алоҳида қайд этилди.

Талаб даражасида фаолият юритмаётган иқтисодий ноҳор қорхоналарга нисбатан банкротлик тамойилининг қўлланилаётгани уларни инқироздан чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки ноҳор ҳўжалик юритувчи субъектларни инқироздан чиқариш ёки уларнинг ис-тифобсизлигини тўлатиб, ўрнига соғлом мулк секторини тарғиб этиш айнан банкротлик инсти-тутини ёрдамда амалга оширилади. Эеро, эркин рақобат муҳитига асосланган замонавий иқтисодиётнинг ўзига хос си-новларига ҳамма қорхона ҳам бардош бера олмайд.

Пойтахтимизда ўшбу мавзу-га бағишланган ўтказилган конфе-ренцияда Ўзбекистон Респуб-ликаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўми-таси раиси вазирасини бажа-рувчи Б. Улашев, Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўрин-босари Н. Аҳмонов, Ўзбеки-стон суд бошқарувчилари жами-яти раиси Б. Қосимов ва бош-қалар мамлакатимизда банкрот-лик институти имкониятларини кенг фойдаланилаётгани иқти-содиётни соғломлаштиришда муҳим омили бўлаётганини ало-ҳида таъкидладилар.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Истиқлол йилларида Ўртбошимиз раҳнамолигида фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) нинг фаолиятини тақомиллаштиришга доир қатор тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, дастур-лар амалга оширилди. Энг муҳими, ушбу

институтга фуқаролик жамиятининг муҳим бўлини сифатида қаралмоқда. Биз бу борада олиб борилаётган ишлар, тадбирлар ҳусусида Олий Мажлиси Қонун-чилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Муҳаббат АБДУЛЛАЕВАга муурожаат этдик.

— Муҳаббат опа, сўнгги йил-ларда жамоат секторини ривож-лантириш борасида катта иш-лар амалга оширилди. Буни, ай-ниқса, нодавлат нотижорат таш-килотларига доир қонунлар маз-мунидан ҳам билиш мумкин...

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайт-ларда мамлакатимизда фуқаролик жа-мияти институтлари — маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жа-моат фондлари фаолияти тубдан ўзгарди. Жумладан, “Жамоат бирлаш-малари тўғрисида”, “Нодавлат нотижо-рат ташкилотлари тўғрисида”, “Ҳомийлик тўғрисида”ги ҳамда ўтган йил бошидан кучга кирган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қаролатлари тўғрисида”ги Ўзбе-кистон Республикаси қонунлари мам-лакатимизда фаолият юритаётган но-давлат нотижорат ташкилотлари фао-лиятини ҳуқуқий жиҳатдан қаролатла-ши билан ҳудуд аҳамиятга эга. Хусусан, “Нодавлат нотижорат ташкилот-лари фаолиятининг қаролатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси-га мувофиқ, давлат нодавлат нотижо-рат ташкилотларининг фаолиятини субсидиялар, грантлар ва иқтисодий буюртмалар шаклида қўллаб-қувват-лаши мумкинлиги белгилан қўйилган.

ФИДОЙИ МЕҲНАТ — ЖАМИЯТГА МАДАД

бу нодавлат ташкилотлари фаолиятида устувор мақсад

этишни истардим. Чунки Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси муво-фиқлаштируви асосида 2007 йилда 59 та ННТ 323,8 миллион сўмлик дав-лат грантини қўлга киритиб, иқтисоди-ий аҳамиятга эга лойиҳаларни амал-га оширмоқда. Булар, албатта, муҳим аҳамиятга эга. Негаки, ушбу муассас-лар жамиятимиздаги мавжуд қай-сибир бир муаммони ўз салоҳияти ва имкониятлари даражасида давлат кўмағида ҳал этмоқда. Бу юқорида номи қайд этилган қонуннинг амал-даги ифодаси, давлатимиз этибори-нинг ёркин намунаси.

Кейинги пайтларда бу борадаги қонунчилик базасини тақомиллашти-ришга ҳам жиддий эътибор қарати-

моқда. Хусусан, ўтган йил охирида “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритилди.

Қонун ва ижро

— Сиз ҳозир мамлакатимизда нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва қабул қилинган қонунлар ҳақида тўхталайми? Айтинг-чи, қўмита мана шу масалаларни назорат-таҳлилини ҳам юритиб бораётганими?

— Албатта, назорат-таҳлил фаоли-яти биз учун муҳим тадбир. Дейлик,

войи шаҳар ногиронлар жамияти, “Умир”, “Ариадна”, “Хумо” сингари ННТлар тегишли мутасадди ташкилот-лар билан ҳамкорликда ногирон бо-лаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъ-минлаш, уларнинг жамиятда ҳамма қатори ашва ва ижод қилишлари учун шарт-шароит яратиш борасида ижоб-ий ишларни амалга ошириб келаёт-тир. “Соғлом авлод учун” халқаро хай-рият жамғармаси вилоят бўлими то-монидан ташкил этилган кўнма гуруҳ 187 та маҳалла, 80 та қишлоқдаги оилаларнинг ижтимоий шароити, бо-лалар ва кексаларнинг саломатлик аҳолини ўрганиб чиққан. Натияжада, 20 минг нафарга яқин навоийликлар тиббий қуриқдан ўтказилиб, тегишли маслаҳатлар берилган.

Яхши хабарлар

Тадбирлар белгиланди

Самарқанд шаҳрида фермерларнинг экологик ва иқтисодий билимларини ошириш мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда туманлар фермер уюшмалари ва йирик фер-мер ҳўжалари раҳбарла-ри иштирок этди.

Анжуманда бугунги кунда фермер ҳўжалиklarининг иқтисодий жиҳатдан муста-қиллиги, ҳуқуқимиз томо-нидан уларга яратилган им-тиёзлар, иш жараёнида уч-раётган айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳақида фикр юритилди. Фер-мер ҳўжаликлари билан мо-лия муассасалари, хизмат кўрсатиш қорхоналари ўрта-сидаги ҳамкорликни янада кўнайитиш бўйича чора-тад-бирлар белгилан олинди.

Абдурауф САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзгаришликлар қувончи

Зангиота туманининг пой-тахтимизга туташ Ўзгариш қўрғончасида замонавий тиббиёт маркази қад рост-лади. Уни барпо этишда ту-мандаги Ортоқ Дўстматов бошлиқ “1-сонли механиза-циялашган кўнма колонна” очик акциядорлик жамияти бинорларнинг фаоли иштирок этилди.

Шошилин тиббий ёрдам хизмати, қўп ўринли турак-қона ва қишлоқ врачлик пун-ктиндан иборат янги саломат-лик мажмуаси ўзгаришлик-лар учун бебаҳо тўғна бўлди.

Абдуноби ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугунги талаба — эртага тадбиркор

Акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк»-нинг Андижондаги худудий бўлими қасб-хўнар коллежлари битирувчилари хоши-истагига қўра, яқна тартибда тадбиркор-лик билан шуғуланув-чиларга зарур миқдор-да сармоялар ажратиш ташаббуси билан чиқди.

Молия муассасасининг бу ҳаракати вилоят хошиқлиги томонидан қўллаб-қувват-ланди. Мавжуд коллежларнинг 23372 нафар битирувчиси ҳадемай мустақил ҳаётга йўлланма олади. Уларнинг аксарияти ўзлари танлаган иқтисодиётлар бўйича ишга жойлашади. Яна бир қисми қириқ бизнес ва ҳусусий тад-биркорлик билан шуғулла-нишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. «Микрокредит-банк» ана шу йилларга ҳаёт-да ўз ўринларини топиб олишлари учун 900 миңг сўмдан 1 миллион 800 миңг сўмгача сармоя ажратди.

Ш. ОДИЛОВ.



«БИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАМИЗ БОР»

Ўтган йилнинг ёзида Наманганда «Минибўлоқлик фермер самолётда Голландиядан сигирлар олиб келибди, ҳар бири нақд ярим тонна тош босар экан, қунига 30 литрдан олиб берармиш» деган гап тарқалди. Кўпчиликини ҳайратга солган бу янглик ҳақиқат эди.

Бир пайтлар вилоятда донг таратган «Оқбулоқ» чорвачилик жамоа ҳўжалигини қўпчилиги яхши эслайди. Ўтган асрнинг охири-ларига келиб, бу ерда насликлик ишларининг ўз холига ташлаб қўйилиши оқибатида ҳўжалик мо-лийа жиҳатдан ўтириб қолди. Вазиятдан қандай қилиб чиқиб мулкдан? Замон талабига қўра, «Оқбулоқнинг» мулк шакли ўзгар-тирилиб, унинг негизида «Уҳуд-Фермер ҳўжалиги» ташкил этилди.

Авалло, қорамоллар бош сонини қўйиб қўйиб, сигирларни эса қора-ола эотиларига ал-маштирдик. Натияжада икки йил ичнда ҳар бош сигирдан қулик соғин миқдорини 9-10 килограммга етказди. — дейди ҳўжалик етказиши Бақрийдан Мамадалиев. — Лекин, барибир, бу қўрсатиш паст эди. Шундан кей-ин насликлик бўйича жаҳон таж-рибасини атрофилига ўргандик, мазкур масала билан шуғулла-нувчи республика идораларига чиқдик. «Интернет» материалла-рини варақладик. «Изолаган то-

пади» деганлари тўғри экан. Гол-ландиянинг «В.В. де Понт Плен-терейш В.В.» компаниясида си-гирлардан қунига 30 килограмм-га етказиб сўт соғиб олинар экан. Фермаи ана шу сигирлар билан тўлдирдишга аҳд қилдик.

Бақрийданнинг лойиҳа-сини республика насликлик хизмати идораси қўллаб-қувватлаб, фермерга ёрдам қилини узатди. Мутахас-сислар билан биргаликда Гол-ландия компаниясига чиқдик. Қарағ, шундоққуна қўшни мам-лакатда компаниянинг дилери бор экан. Уни Тошкентга тақлиф қилишди. «Интерконтиненталь» меҳмонхонасидаги учрашуво чо-ғида 165 бош «Голштейнфриси» эотли қора-ола ва қизил-ола эотли гунажлар олин-сотилиши юзасидан шартнома имзоланди. Германиянинг Франкфурт-Майн аэропортидан «Боинг-747» транспорт самолётини 6000 ки-лометрдан ортиқ йўл босиб, Тош-кентга келтирилган қорамоллар якунланган йилнинг биринчи

июль кунин «Уҳуд» фермасини тўлдирди. Ҳар бири 2250 евро-лик гунажларини сотиб олишди ферма «Туронбанкнинг» 200 миллион сўм миқдоридидаги им-тиёзли кредити қўп қолди, етма-ган қисмини ўзлари қозғашди.

Ислохот

Голландиянинг нам-салқин ҳавосига ўрганган қорамоллар ёзда Минибўлоқнинг иссиқ икли-минга чидамаймиш? Йўқ, ферме-рини ҳавотирланчи ортиб қолди.

Иссиқ ҳавога чиққан қорамол-лар молхонага ўрнатилган совутиш уқунларни ақсатди. Ферма ёзи омон-эсон ўтказиб, янги жойга бунгайи мослашиб қолди. Эндиликда фермернинг ўзида қолган 115 бош гунажнинг 78 боши буюқлаган. Сигирлар ҳу-ба ҳу кирмоқда. Қулик соғин ҳар бош ҳисобига 25 килограммдан ортипти. Буюқлардан ортиган 1600 килограмм маҳсулотни ҳу-сусий тадбиркор Абдураҳмон

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

иқтисодий ривожланиш ва фаровонлик омилдир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бир неча йилдирки, Тошкент, Фарғона, Урганч, Самарқанд шаҳарларида қорхонанинг мах-сус савдо дўконлари ишлаб тури-бди. Ўтган йилдан бошлаб эса, Навоий, Бухоро, Шаҳри-сабз ва Тўртқўлда унинг ул-гуржи савдо базаси фаолият кўрсата бошлади. Бир қатор Ҳамдўстлик давлатларидаги «Савдо уйи» ва ваколатхонала-ри, табиийки, қорхона экспорт салоҳиятини юксалтиришга хиз-мат қилмоқда.

Ҳозирда «Совпластитал»

ОАЖ негизида қўллаб шўба қорхоналар ташкил этилган. Улардан бири — «TASIXIN-VESTPLAST» да йирик ҳажмли чинқиндаги мўлжалланган пласт-масса қўплар, болалар майдон-чалари учун жиҳозлар ва бошқа халқ истеъмолчи товарлари иш-лаб чиқаришмоқда. Марказий Осиё давлатларида ягона бўлган ушбу қорхона маҳсулот-лари ташқи бозорда ҳам ўта харидоригир бўлиб бормоқда.

Айни пайтда қорхонада 563 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. 110 нафар фуқаро эса касаначиликка жалб этил-

ган. Уларнинг ишлаш ва яшаш шарт-шароитларини яхшилаш қорхона раҳбариятининг доимо диққат-эътиборида турибди.

Халқимизда «Ирмоқлар қўши-либ, дарё бўлади» деган ибора бор. Шу маънода, «Сов-пластитал» ОАЖда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умум-иқтисодиётимиз юксалишида ўзига хос ўрнини эгалламоқда.

Сандолон ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: қорхона ҳаётидан лавҳалар.

Темур ҚҲҲОНОВЕВ олган суратлар.

Пўлатот қуна-қун олиб кетаят-ти. Ҳисоб-китобларга қараган-да, сутни сотишдан тушган даромад январь ойидан 25 миллион сўмга кўтарилди.

— Мутахассисларнинг айти-шича қараганда, Голландия си-гирлари қунига анча катта миқ-дорда ем-хашак билан озиқлан-тирилган экан, шунча озунани е-туказиб бериши оқибатида — сўрай-миз фермердан.

— Озуқадан қўнглимиз тўқ, — дейди Бақрийдан Мамадали-ев. — Дехқончилик қилди-ган 150 гектар еримиз бор. Мақказҳўри, бўлди, беда эканимиз. Қўш мавсумига 1200 тонна силос, 200 тонна се-наж, анчагина сомон ва беда пичани жамғариб қўйганимиз. Ба-хорча бедалол етди.

Сормасқул сигирлар келти-рилгандан сўнг соғувчи айблар меҳнати, уларнинг топиш-ту-лишига ҳам барака кириб қолди. Дарове, «Уҳуд» жамоаси хо-риждан келтирилган гунажлар-нинг 50 бошини вилоятдаги ҳам-касбларига илтизади. Қосоний-да «Чашма сафед» фермер ҳўжалиги 12, Чортоқда «Илос-5», Чортоқ илагли» 10 бошини, қолганини бошқа туманлардаги фермерлар сотиб олишганди.

таётган Орол денгизи ҳаваси лойи-ҳаларини амалга оширишни бошқа-риш ва GEF (Глобал экологик жам-ғарма) агентлиги, Оролни қўқариш халқаро жамғармаси Ижроия қўми-тасининг Нукус филиали республика тузилмалари билан ҳамкорликда аниқ

лашмоқда. Бундан ташқари, Орол ден-гизининг қуриб қолган қисмига оид қатор лойиҳаларнинг амалга ошири-лиши ҳам ўз самарасини бераётир. Ушбу тадбир доирасида бу ерда миңг гектар ерга маҳаллий ўсимликлар — саксовул, черкез, юлғун, қандим ва

ушбу табиий шароитга мос, қўши-ри шорали экологик таназзулни енгиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқда.

— Бу лойиҳаларнинг аксарияти Орол денгизи ҳавасига доир қом-плекс дастур доирасида амалга оши-рилмоқда, — дейди GEF агентлиги раҳбари Усмон Бўрнов. — Ушбу дастур Оролбўйида экологик ва иқтисоди-ий-иқтисодий вазиятни барқарорлашти-риш ҳақида яхшиланишда устувор аҳамият касб этди. «Амударё дель-тасида маҳаллий суғувчилар таш-кил этиш» лойиҳаси 10 йилдан беририд. Ўтказилган тадбирлар нати-жасида бундай қуриларнинг сатхи 150 миң гектарни ташкил этиди. Бу, ўз навбатида, ҳудудда биологик қилма-чиликни қайта тиклаш, аҳолининг димбалар ва тармоқли қанчалар қи-лишда иштирок этиши ҳисобидан нати-жа билан таъминлаш, балиқчилик ҳақида чорвачиликни ривожлантириш имкони-ни беради. Бундай суғувчиларнинг шаклланиши туфайли экологик вази-ят яхшиланимоқда, иқлим мўътадил-

лашмоқда. Бундан ташқари, Орол ден-гизининг қуриб қолган қисмига оид қатор лойиҳаларнинг амалга ошири-лиши ҳам ўз самарасини бераётир. Ушбу тадбир доирасида бу ерда миңг гектар ерга маҳаллий ўсимликлар — саксовул, черкез, юлғун, қандим ва

ушбу табиий шароитга мос, қўши-ри шорали экологик таназзулни енгиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқда.

— Бу лойиҳаларнинг аксарияти Орол денгизи ҳавасига доир қом-плекс дастур доирасида амалга оши-рилмоқда, — дейди GEF агентлиги раҳбари Усмон Бўрнов. — Ушбу дастур Оролбўйида экологик ва иқтисоди-ий-иқтисодий вазиятни барқарорлашти-риш ҳақида яхшиланишда устувор аҳамият касб этди. «Амударё дель-тасида маҳаллий суғувчилар таш-кил этиш» лойиҳаси 10 йилдан беририд. Ўтказилган тадбирлар нати-жасида бундай қуриларнинг сатхи 150 миң гектарни ташкил этиди. Бу, ўз навбатида, ҳудудда биологик қилма-чиликни қайта тиклаш, аҳолининг димбалар ва тармоқли қанчалар қи-лишда иштирок этиши ҳисобидан нати-жа билан таъминлаш, балиқчилик ҳақида чорвачиликни ривожлантириш имкони-ни беради. Бундай суғувчиларнинг шаклланиши туфайли экологик вази-ят яхшиланимоқда, иқлим мўътадил-

манларини қамраб олган тўртта иж-тимоий кўмаклашувчи жамғармаси таш-кил этилди. Чорвачилик, ўсимликчи-нослик, хизмат кўрсатиш соҳалари, миллий ва анъанавий ҳўнармандчи-лик, истеъмол товарлари ишлаб чиқари-ши ривожлантиришга кўмаклашиши — мазкур жамғармалар фаолиятининг асосий йўналишларидир. 2007 йилда умумий қиймати 1,3 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 469 та ана шундай лойиҳа молиялаштирилди. Янги иш ўринлари яратилди, аҳоли даромадла-ри ошди, уни шў ернинг ўзида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланди.

Суви тежаш борасидаги ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Фер-мер ҳўжаликлари ва сувдан фойдала-нувчилар уюшмаларининг сувдан те-жаскорлик билан фойдаланишини рағбатлантириш мақсадида танловлар ташкил этилди. Шунингдек, суғориш бўйича самарали усулларнинг синиб қўриш ва жорий этиш, ҳудуддаги да-волаш ва болалар муассасаларини доир-дармон, витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан қўши-мача таъминлаш, сув чиқариш иншоотла-рини тозалаш қурилмалари билан жи-ҳозлаш ва бошқа йўналишлар бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Бу лойи-ҳаларнинг барчаси Оролбўйининг эко-логик ва иқтисодий-иқтисодий муам-молари ҳамда шунингдек, сувдан таъ-минланган қуриларнинг барқараф эти-ш бўлишига янги ҳамда янада самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга кўмаклашди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида
Етти йилдан сўнг

Кеча Аргентина федерал суди мамлакатнинг собик президенти Фернандо де ла Руа устидан жиноий иш қўзғалганлиги ҳақида хабар тарқатди.
"Би-би-си" телеканалининг маълум қилишича, собик президент Аргентина парламенти сенаторларига меҳнат тўғрисида янги қонунни қабул қилиш жараёнида пора берганлиги айбланмоқда.
Бу воқеа 2001 йилнинг кўзда содир бўлган. Манбаларда собик рақиб бир неча миллион доллар миқдорда пора берганлиги таъкидланмоқда.

Вертолёт чўкиб кетди

Бразилиянинг Макау шаҳри яқинидаги денгизга "Super Puma" русумидаги вертолёт чўкиб кетди.
"EFE" ахборот агентлиги хабарига кўра, вертолёт бортида жами 20 киши бўлган. Ҳозирча денгиздан бир кишининг жасади топилди, у қиши бедарак йўқолган. Қолган йўловчилар кутқарув хизмати ходимлари томонидан кутқариб олинди.
Полиция ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.

Бир евро 1,5 \$га етди

Евронинг жаҳондаги қиймати бевтўқ ўсмоқда.
"Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги маълум қилишича, бир евронинг қиймати 1,5 АҚШ долларига етди. Воқеа кўча кеча Осиё етди бозорларида кузатилади.
Мутахассислар АҚШ валютаси бунчалик қадрсизлашиши мамлакат иқтисодиётида катта муаммолар келтириб чиқаришидан хавотирга тушишмоқда.
Маълумотларга кўра, долларнинг тез суръатда тушиши 1981 йилдан бери кузатилмаган эди.

Мобиль нанобилакузук кашф этилди

Дунё олимлари томонидан мобиль нанобилакузук иxtиро қилинди.
"Nokia" компанияси ва Кембриж университети олимлари ҳамкорликда яратган мазкур янги қурилмани қўлга тақиб олиб, бемалол телефондагидек мулоқот қилиш мумкин.
Таъкидлаш лозимки, "Morph" номини олган мобиль нанобилакузукда нафақат гаплашиш, балки "эмпе 3" форматдаги мусиқаларни тинглаш имконияти мавжуд.
Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мўжазига қарантир дискнинг «МЕДИВ» деб аталиши бежиз эмас — русчадан «Медицинское ДИВО» маъносини берувчи бу мосламани ҳақиқатан ҳам тиббиёт мўъжизаси деса бўлади.
У оғриқни қолдириб, қон босимини меъърига келтириб, руҳий тушуқчиликка барҳам бериб, кайфиятни кўтарди ва уйқунни яхшилади. «МЕДИВ»нинг энг кучли доридорлар ҳам таъсир қилмаган ва яшадан умидини урган беморларга ҳам ҳаётбахш таъсир кўрсатиб, уларни дард чагалидан кутқариб қолган ҳолатлари кўп бўлган...

«Ассалому алайкум, қадри дўстларим! Мен сизга Алмати шаҳридан мактуб йўллаяман. Сиз сизга «МЕДИВ»ни олдим. Бу қандай мўъжизаки, шундай кўсқа фурсатда мени ҳаётга қайтарди, яна қўлим озуларга тулди. Йилларим эса, дард азобидан қийнабди, яшам қилмасди...»
Пенсионер Жамила Карасавина, Алмати ш.
«Хурматли «Медив-Сервис» ходимлари! «МЕДИВ» асбобини юбориб, қўрсатган габурилингиз учун сиздан ниҳоятда миннатдорман. У тизза бўғинларим, белим, қўлимдаги бармоқлар ва оғзимнинг тоvon қисмидаги чидаб бўлмас оғриқлардан мени ҳалос қилди. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қилаяман, уйқум ҳам жойида. Асти кам бўлган!»
Аристанбеков А. И., 73 ёшда, Бишкек ш.

«Онам гормонларга боғлиқ бўлмаган бронхит астма ва сурункали бронхит касалликлари туфайли анчадан буюн азоб чекиб келардимлар. Бир ярим йил мобайнида ичилган турли хил ҳаждорилардан асло наф бўлмади. Ахир улларга «МЕДИВ»ни сотиб олдим. Мана, энди, «МЕДИВ» туфайли онамнинг ахволи анча яхшиланди: нафас қилиши хуружлари йўқолиб, тунги йўталлар барҳам топди, натижада, уйқулари ҳам мизга тушди.»
Хакимов И. В., Тошкент ш.

Мазкур дил сўзлари «МЕДИВ» энергия-ахборот алданиш учун меъъраштирувчи мосламасининг Марказий Осиёдаги ягона дистрибутори бўлиши «Медив-Сервис» компанияси номига келатган қўлаб мактублардан атиги учтаси, холос.

«МЕДИцинское ДИВО» ўзи нима? — Биологик қувват бахш этувчи «анталми» ва унинг таъсир кўрсатиш механизми нимага асосланган? Ана шундай саволлар билан муҳбиримиз маслаҳатчи-шифокор Александр Евгеньевич Шароновга мурожаат қилди:
«Шу кунгача ўқийш бўлмаган бу ноёб мослама Ленинград мудофаа заводининг махфий лабораторияларида бундан қарий чорак аср

муқаддам дунё юзини кўрди ва узоқ йиллар давомида ўз кашфиётиси бўлиши биофизик В. А. Зорин номи билан аталиб келди. Зориннинг «Энион» инсониятнинг табиот дунёсида асрлар давомида тўпланган тажрибаларининг энг яхши қирраларини ўзида муҳасам этган бўлиб, чнда қўна Тибет роҳибларининг сирларидан тортиб то харбий шифокорларнинг амалий тажрибаларига ўз аксини топгандир. Унинг шифобахш хусусиятлари она-табиотнинг ўзидан олинган бўлиб, замонавий илмий ишланмалар шарофати билан бу хусусиятлар бир неча ўн баробар кучайиб, мукамаллашиб боради. «МЕДИВ» таркибига кирувчи биологик фаол моддалар саломатлик дисксини тайёрлаш жараёнида кўп босқичли мураккаб ишлов беришдан ўтадиллар. Натижада бу моддаларнинг қувват салоҳияти шу қадар кучаядики, ҳатто бемор танасига теккизганда шикастланган орган тўқималарининг ишини фаоллаштиради ва шу орқали уш патология ҳолатдан, яъни дард чагалидан чиқариб олади.

Махсус сертификатланган



ҲАЁТНИ САҚЛОВЧИ ВА СОҒЛИҚНИ ҚАЙТАРИБ БЕРУВЧИ «МЕДИВ» САЛОМАТЛИК ТУМОРИ

— Александр Евгеньевич, «МЕДИВ»дан қандай ҳолларда фойдаланиш кўпроқ самара бериши мумкин?
— Булар сирасига, аввало, факат кексалардагина эмас, балки жуда ёш беморларда ҳам учраши мумкин бўлган таъвич-харакатланмиш аппаратда кузатиладиган кўндалаги хасталиклар кирди, яъни: умуртка остеохондрози, артритлар, артрозлар, бурситлар, мизостлар. Марказий ва периферик (сиртки) асаб тизими касалликларидан: радикулитлар, невритлар, невропатиялар, турли невротик бузилиш ҳолатлари; юрак-томир патологияларидан: юракнинг ишемик касаллиги, стенокардия, гипертония касалликларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, «МЕДИВ» калконсимон без касалликлари, ошқозон-ичак йўлидаги носозликлар, жумладан, ошқозон яраси ва 12 бармоқли ичак яраси, ўт-сафро хайдаш йўллари дискинезиясида, сийдик-таносил тизимидаги

касалликлар, гинекология соҳасидаги патологиялар, эркаклик қувватининг пасайиши сингари ҳолатларда ҳам яхши самара беради. Сурункали толиғиш синдромида ўта ижобий таъсир кўрсатиб, ортича безоватли ҳўсига барҳам бериб, уйқун яхшилади. Хавфли ўсма касалликларидан имунитетни кўтариш ва оғриқ аломатларини қолдириш, шунингдек, нурлантириш ва киме-терапия муолажаларидан сўнг инсон организмни қайта тиклаш мақсадларида «МЕДИВ» мосламасидан фойдаланишнинг ўта ижобий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ тажрибаларимиз ҳам талайгина.

— «МЕДИВ»дан фойдаланиш борасида бирон-бир чекловлар борми?
— Мазкур меъъраштирувчи аппаратдан фойдаланиш билан боғлиқ акс-таъсир ҳолатларининг умуман йўқлиги, шубҳасиз, унинг беаҳо афзаллигидир.

Шундай бўлса-да, биз унинг ҳомиладор аёллар, 5 ёшгача бўлган болалар ҳамда миокард

инфарктини эндигина бошидан кечирган беморларда ва электрокардиостимулятор мавжуд бўлган ҳолда қўлланишнинг тавсия қилмаймиз. Табиий даволаш воситалари, гўёлар билан даволаш, гомеопатия, парвез билан даволаш ҳолатларида «МЕДИВ» бемалол бараварига қўлланиши мумкин.

— Саломатлик дискининг таъсир кучи қанча мўддатда сезилади?
— Аппарат бемор танасига қўйилган дастлабки соатлардаёқ унинг шифобахш таъсири юзга чиқа бошлайди. Каттик асоси диск қайишқоқ бинт ёрдамида ёки шикастланган аъзога мўлжаллаб тикланган Чўнтакча ёрдамида 8-12 соат давомида оғриқли соҳага ёки биологик фаол нукталар устига мустақимлаб қўйлади. Ёш меъъридаги даволаш курси 3-4 ҳафта бўлса, кўпинча илк бора фойдаланишдаёқ оғриқ аломатлари йўқолган ҳолатлар анчагина учрайди. Бундан бир йил аввал

уч марта клиник ўлим ҳолатини бошидан кечирган кекса онахон ёрдам сўраб бизга мурожаат қилди. Сурункали холецистит ва 12 бармоқли ичак яраси хасталикларидан кўп йиллар азоб чекиб келган. Бу аёлда дорилардан шок ҳолатига тушиб қолган олим борадиган кучли аллергия бўлиб, у оғриқнинг сурдан мутлақо ухлай олмас эди. Дастлабки тўрт кун давомида кўш чигали соҳасида «МЕДИВ»ни қўллаш натижасида аёл яна ҳаётга ўмиш қўзи билан қарай бошлади: оғриқлари чекиниб, осулда сокин уйқу оғушида тинч ором оладиган бўлди ва бемалол қаддини кўтариб, юра бошлади. Тез орада иккинчи бор яна «МЕДИВ»ни сўраб келди. Умуман, турли хил органларни даволаш учун 6 та апликаторини бирварақайига қўллаш мумкин.

— Битта «МЕДИВ» қанча вақт давомида ишлатилади?
— Саломатлик дискиндан беш йил мобайнида улуқсиз равишда самарали фойдаланиш мумкин. Кузларингизнинг майин, сокин нур сочиб чарқлаши, уйқунинг қўшланмиш, тери рангининг ўзгариб бориши саломатлигининг тикланиши сари қўйилган дастлабки олдмаларидир. «МЕДИВ»ни қўллаш — бу «Касалик» бекатидан «Соғлиқ» саломатлик» бекатига, яъни, соғлом дунёга ўтиш демокдир.

Тезкор линия телефонлари:

(99871) 234-67-64, 234-74-91
(99897) 338-37-88, 104-59-15

МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ
Асомов кўчаси, 36-уй

Advertisement for a health center with contact information and a small diagram of a human body.

Advertisement for INTEGRAL ASIA and DELL computers, featuring images of computer hardware and contact details.

Advertisement for MikroKreditBank, highlighting services for entrepreneurs and providing contact information.

Қорақалпоқ томонларда



Хайрли ишлар Самараси

«Нукус темир-бетон буюмлари» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган махсуслотлар коллеж, академик лицейлар ва мактаб қурилишлариغا пешма-пеш жўнатилмоқда.
Утган йили жамоа жами бир миллиард 660 миллион сўмлик, яъни 9958 метр куб темир-бетон буюмларини ана шундай хайрли ишларга жалб этди.

От изини той босар...

Қораўзаклик Дарибой ота Турдумуратов уста дурадгор. Умрининг 50 йиллини шу хунарга бағишлаган отахон ясаган турли хил уй-рўзгор буюмлари — бешик, хонтахта, дераза, эшик, дарвоза ҳар бир қораўзакликнинг уйида бор.
Юртимизда тadbиркорларга яратилаётган имкониятлардан руҳланган Дарибой ога яқинда дурадгорлик цехини очиб ишга туширди. Отахон ўз қабатидагилар — Сарибой, Борлиқбой, Ҳузурбой сингари шоғирдлари билан овулдошлари учун зарур буюмлар ясашга киришди. Қораўзакда отахонга шоғирд бўлиш истагида юрганлар талайгина. Хунардан унар, деб шунга айтсалар керак-да!

Ҳидоят АХМЕДОВ.

Large advertisement for «Пахта-Банк» (Paxta-Bank) featuring a logo, contact information, and a list of services with interest rates.

Advertisement for MikroKreditBank with a photo of staff and text describing services for entrepreneurs.

Advertisement for the Republic of Karakalpakstan Stock Exchange (RKB) listing auction results for land plots.

Advertisement for TRUBЫ (pipes) with technical specifications and contact details.

Advertisement for a technical center offering services in water supply, gas supply, and cable work.

Advertisement for a botanical institute (УФ «Ботаника») and a museum (Музей Худобердыевич Худойбердыевич).

МАДАНИЯТ

хабарлари

Ёш рассомнинг ютуғи

Аъзамжон Турсунов Андижон тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида тахсил кўради.

У яқинда Польшанинг Ченстохова шаҳрида ўтказилган расмлар кўргазмасида иштирок этди.

Устоз Рустамжон Қоробоевдан мўйқалам сирларини ўрганган ёш рассом махсус соврин, диплом ҳамда медаль билан тақдирланди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Мумтоз наволар-2008»

«Камолот» ЁИХ Жиззах тумани кенгаши бўлими ўқувчи ёшлар илмий-ижодий маркази билан ҳамкорликда «Мумтоз наволар — 2008» деб номланган кўрик-танлов ўтказди.

Унда умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус касб-хўна колледжлари ўқувчилари қатнашди.

Гала концертида юздан зиёд жамоанинг гўлиб ижрочилари ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Унда умумий ўрта таълим мактаблари куй ижро этиш, якка (жамоа) рақслари бўйича маҳоратлари ҳакамлар томонидан баҳоланди.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маънавий баркамоллик

Самарқанд шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими жойларда турли мавзуларда учрашув ва кечалар ташкил этмоқда.

Хусусан, шаҳар касалхонаси ходимлари билан ҳамкорликда Самарқанд санъат коллежида ОИТС хасталиғи борасида давра судбати ўтказилди.

Тадбирда коллежнинг аънавий ижрочилари ва драма актёрлиги бўлими талабалари куй-қўшиқ ва сахна кўринишлари билан иштирок этишди.

Хусан БУРҲОНОВ.

МАФТУНКОР ОҲАНГЛАР СЕҲРИ



Мутахассислар фикрича, санъат бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим омил саналади.

Мажиджон МАМАРАҲИМОВ олган сурат.

Нафосат оламида

Юртбошимизнинг "Бола-лар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши эса бу борада айна мурда.

Ушбу муҳим ҳужжат фарзандларнинг санъатга бўлган қизиқиши ва маданий савиясини ошириш, уларнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўқув масканларида билим олиши учун хизмат қилади.

Сиз суратда кўриб турган бу устоз-шоғирдларни Сурхон воҳасида яхши танишадим.

Термиз санъат коллежида ҳам соҳага иштиқоманд иқтидорли ўқувчилар сабоқ олаётган. Таълим масканида 600 нафардан зиёд иқтидор соҳиби академик ашула, аънавий ижрочилик, хореография, халқ чолғу асбоблари, тасвирий санъат сингари йўналишлар бўйича тахсил олмақда.

Абди ҚОДИРОВ.

Такдирот



Қуни кеча Киночилар уйида ҳиндистонлик киношодкорлар томонидан суратта олинган янги фильм такдироти бўлиб ўтди.

Янги ҳинд фильми

Фильм "Синема маркет" компаниясида ўзбек тилига ўтирилди. Мазкур киноасарда яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, жиноятга ҳамиша жазо муқаррарлиги қизиқарли саҳналар орқали акс эттирилган.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

Гамбург (Германия) шаҳрида дзюдо бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Дзюдочиларимиз муваффақияти

Аҳамиятлиси, унда икки нафар ҳамюртимиз совриндорлар сафидан жой олди. Абдулла Тангриев (+100 кг.) ўз вазн тоифасида финалгача бўлган беллашувларни муваффақиятли ўтказди.

Сув саҳнида рақс

Москвада синхрон сузиш бўйича Россия очиқ кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Кубок беллашувларида икки нафар синхрончимиз — Валентина Попова ва Наталья Корнеева юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Кучлилар олий лигада

Пойтахтимизда шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати биринчи лигаси учрашувлари бўлиб ўтди.

Чемпионатда 32 нафар шахматчи медаллар ва олий лигага бериладиган тўртта йўлнамга учун кураш олиб борди.

Дастлабки турдан пешқадамликни қўлга олган қашқадарёлик Умида Чоршанбиева ва навоийлик Озода Каримова

валар якунда 7,5 тадан очко жамғариб, олий лига йўлнамасини қўлга киритишди.



Эрон пойтахти Тегрон шаҳрида футбол бўйича халқаро турнир якунланди.

Ҳамюртларимиз учинчи ўринда

Унда қатнашган Ўзбекистон футбол терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, ҳамюртларимиз Эронда бир неча назорат-ўртоқлик учрашувларида ҳам майдонга тушди.

3. ЖОНИБЕКОВ.

Спорт • Sport • Спорт

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ


«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнийлғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вақилимиз — «O'zbekMAZservis» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Телефон аппаратлари улгуржи савдоси. 1 йил кафолат. Кенг моделлар қатори. Корхоналар билан ишлаймиз. Дилерларни ҳамкорликка таклиф қиламиз.



«ДОИМО АЛОҚАДА» МТС-Ўзбекистоннинг янги хизмат режаси

«Мобил ТелеСистема-лар» очик акционерлик жамиятининг (NYSE: MBT) 100 фоизли шўъба корхонаси — МТС-Ўзбекистон «Доимо алоқада» янги хизмат режаси ишга туширилгани ҳақида маълум қилади.

Ушбу янги хизмат режаси МТС абонентларига мулоқот учун янада қулай шарт-шароитларни яратди.

«Доимо алоқада» хизмат режасига Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Қаш-

қадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси уланиши мумкин. Янги хизмат режаси абонент тўловисиз, тармоқ ичида қирувчи кўнғироқлар эса бепул. Ўзбекистон мобил операторлари абонентлари билан гаплашувлар ҳам арзон нархда — бир дақиқа учун 2 цент. Шундай қилиб, бошқа операторлар абонентлари билан гаплашувлар нархи МТС-Ўзбекистон тармоғи ичидаги чикувчи алоқа нархи билан тенг бўлди.

Батафсил маълумот компания офисларида ва www.mts.uz сайтида.

БИЗ БИЛАН - ИССИҚ ВА ҚУЛАЙ ИСИТГУВЧИ ВА СУВ ИСИТГУВЧИ ҚОЗОНЛАР

маҳсулот сертификатланган ХОРИЖИЙ АВТОМАТИКА БИЛАН САНОАТ, МАИШИЙ, ИССИҚХОНАЛАР УЧУН ҲАМДА ЎЗГАРУВЧАН, АВТОНОМ БЛОКЛИ ҚОЗОНЛАР. 15 кВт ДАН 2000 кВт ГАЧА.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР. 9.00 дан 18.00 гача. 236-09-25. 232-10-63. 242-хона. E-mail: xalk_suzi@rambler.ru

«Визитна» янги бепул хизмати! Сиз МТС тармоғига уландингизми ёки рақамингиз ўзгардимми ва сиз бу ҳақда дўстларингиз ҳамда яқинларингизни хабардор қилмоқчимисиз? «Визитна» бепул хизматидан фойдаланинг!

Table with 2 columns: USSD-хизмат рақамига кўнғироқ қилиш, Кўнғироқ натижаси. It details the USSD service for sending contact information to friends.

«Ўз тариф режангизни билиб олинг» янги бепул хизмати! Ўз хизмат режангизни билиш — осон! *111*100# рақамига кўнғироқ қилинг!

Бошқа хизмат ренасига ўтиш учун USSD-хизматидан фойдаланиш мумкин: «БИРИНЧИ»га — *111*101#; «БИЗ»га — *111*102#; «ОПЕН»га — *111*103#; «ЭРНИ»га — *111*104#.

0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 www.mts.uz / wap.mts.uz Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Удиробита» компанияси томонидан таъмин этилади. Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳжамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Газетхоналар билан алоқа ва минахоналар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50. Топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5 6 7